КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 20 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 76 (10.633) Баҳоси эркин нархда

ХХІ АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

● Жиззахда бўлиб ўтган амалий семинар ҳам шу йилнинг май-июнь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш масалаларига бағишланди. Тадбирда Республика Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари қатнашди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йиғилиш Оролбўйида пиллачилик тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланди. Йиғилишда фермерлар билан шартномалар тузиш, электр таъминотини яхшилаш бўйича тегишли тавсиялар берилди, тут плантацияларини кўпайтириш ва янги кўчатларни экиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

● Қашқадарё вилояти «Журналистика уйи»да бўлиб ўтган семинар-тренингда солиқ тизимида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилаётгани, солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришда матбуот, радио ва телевидениенинг ўрни қандай бўлиши кераклиги каби саволларга батафсил жавоб берилди.

● Яна бир неча кундан сўнг Қашқадарё вилоятида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари бошланади. Куни кеча «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақаларининг расмий веб сайти очилди. Унинг мақсади мамлакатимиз аҳли ва хориж фуқароларини мазкур спорт ўйинлари ҳақидаги кундалик маълумотлар билан кенг таништириб боришдан иборат.

● «Марҳаматэлектротехника» очиқ акциядорлик жамияти «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига «Нексия», «Дамас»ларнинг эшиклари учун қулф илмоқлари, олд ва орқа қанотлари қулфлари тайёрлаб беришни ҳам йўлга қўйди. Шуниси эътиборлики, қишлоқ саноатчилари маҳсулотларининг асосий қисми Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

● Кеча Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ветеринария соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳукуматлараро кенгашининг 29-мажлиси иш бошлади. Икки кун давом этадиган тадбирни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этган бўлиб, унда Арманистон, Озарбойжон, Беларусь, Украина, Молдова, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатларининг ветеринария хизматлари бошлиқлари иштирок этмоқда.

● «Спорт—хотин-қизлар ҳаётида соғлом турмуш манбаи» шиори остида ўтказилаётган Республика талаба-қизлар спорт ҳафталигининг волейбол бўйича мусобақаларига Жиззах политехника институти мезбонлик қилди.

ЖАҲОНДА

● ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг АҚШга тўрт кунлик ташрифи давом этмоқда. Вашингтонда АҚШ Президенти Жорж Буш билан музокаралар давомида иқтисодий ҳамкорлик масалалари ва жаҳондаги йирик муаммолар, биринчи навбатда Эрон ядро дастури атрофидаги вазият муҳокама қилинади.

● Швециянинг Стокгольм шаҳрида 2006 йилги болалар ҳуқуқлари учун халқаро мукофотнинг совриндорлари эълон қилинди.

● Пекин шаҳри маъмурлари Мўғулистондан кириб келган қум бўронлари натижасида ҳавода пайдо бўлган қумни тозалаш учун сунъий ёмғир ёғдиришни кўзда тутмоқдалар. Хитойдаги касалхоналар нафас олиш билан боғлиқ муаммолар орқали ётган касалларга тўлиб кетган. Ҳозирда қум бўронлари Жанубий Корея ва Японияга етиб борди.

● Мексиканинг шарқий қисмида автобуснинг жарга қулаши натижасида камида 63 киши ҳаётдан кўз юмган ва учта йўловчи жароҳатланган. Барча ҳалок бўлганлар мексикалик сайёҳлар бўлиб, автобуснинг 200 метрдан жарга қулашининг сабаблари ҳозирча аниқланмади.

● Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида жойлашган «Беслан овози» ташкилотининг бешта собиқ аъзоси ушбу ташкилот офисини қўлга олдилар. Улар «Беслан овози» ташкилоти раисининг қўлидан офис калитини олиб, ундан ўз вазифаларини зиммасидан соқит этишни талаб қилганлар.

● Суданнинг Дарфур вилоятида сиёсий ва ижтимоий инқироз тўхтамаётгани, хусусан Суданга қўшни Чадда бир гуруҳ жангарилар пойтахт Нижамендни қамал қилишга уринганлиги муносабати билан Чад Президенти Идрис Дели Судан билан дипломатик муносабатлар тўхтатилишини маълум қилди. Ушбу мамлакат билан чегара ёпилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Иқтисодиёт


ХАЛҚИМИЗ БЕЖИЗГА «ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА, МАШАҚҚАТИНГ ОЗ БЎЛАР» ДЕГАН НАҚЛНИ БОЗ-БОЗ ТАКРОРЛАМАЙДИ. БУ ҲИКМАТЛИ ИБОРАНИ АЙНИ КУНЛАРДА ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ НИЯТИДА ЕРГА БАРАКА УРУҒИНИ ҚАДАЁТГАН БОБОДЕҲҚОНЛАРИМИЗ ҲАМ ЖУДА ЯХШИ БИЛИШАДИ.





ТЕХНИКА СОЗЛИГИ — УНУМДОРЛИК ГАРОВИ





Негаки, уларнинг меҳнатлари самарасида, уруғни тез ва соз экиб олишларида, агротехник тадбирларни амалга оширишларида ва ниҳоят ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб хирмон уюшларида замонавий техника ва ускуналарнинг ўрни беқиёс. Эрта баҳордан то кеч кузгача техника деҳқон ва фермерларнинг ҳақиқий мададкори. Иш кўзини билган, тинимсиз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлишни истаган деҳқон шу боис ҳам бугунги замонавий техника ва технологиялардан оқилона фойдалана билади. Уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратади.

Ана шундай қишлоқ меҳнаткашларининг оғирини енгил, ҳосилини мўл қилишда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ўзбекқишлоқмаш» акциядорлик жамияти тадбиркорларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Ушбу корхонада буюртма асосида тайёрланган чигит ҳамда дон экиш учун мўлжалланган сеялкалар ҳамда ўғит сепадиган механизмлар шартномага кўра республикамиз вилоятларига жўнатилиб, ҳозирги кунда муваффақият билан қўлланилмоқда. Албатта, ушбу техника ва механизмлар корхона мутахассисларининг изланишлари самараси бўлиб, уларда дала юмушларини тезкорлик билан сифатли амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шуниси эътиборлики, корхонада тайёрланаётган рақобатбардош техника воситаларига ички бозорда талаб юқори бўлиши баробарида қўшни давлатларда ҳам харидорлар сафи ортиб бормоқда. Айниқса, қўшни Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистон давлатларидан тушаётган буюртмалар бунинг яққол далилидир.

— Шу кунга қадар буюртма асосида деҳқон ва фермер хўжаликларига 10 дан ортиқ «СМХ-4-03-01» ҳамда 200 тадан зиёд «СМХ-4Б» сеялкалари ҳамда керакли механизмларни етказиб беришга муваффақ бўлдик, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Тўра Музробов. — Айни кунларда эса навбатдаги буюртмаларни муддатида вилоятларга юбориш учун ишларимиз қизғин паллада. Бу борада суръатни бир кун ҳам бўшаштирмай сифатга ҳам алоҳида эътибор қаратаётган 385 нафар ишчи-хизматчимизнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Уларга яратилган меҳнат ва дам олиш шароитлари эса самарадорликда муҳим омил бўлмоқда. Жамоамиз аҳли баракали ҳосил тўплашда деҳқон ва фермер хўжаликлари меҳнаткашларига мадад бўлаётганларидан, дастурхонимиз тўкинлигига ҳисса қўшаётганидан беҳад мамнун.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда экспортга техника ва механизмлар чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун қатор Ҳамдўстлик мамлакатлари билан шартномалар тузиш учун музокаралар олиб борилмоқда. Албатта, ушбу изланишлар корхона истиқболини таъминлашда салмоқли ҳисса бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Нафас Ибрагимов ва электр пайвандчи Даврон Аҳмедов; тажриба-синов цехи йиғувчиси Неъмат Тўрақулов иш устида; тайёр техникалар дала меҳнаткашлари хизматига шай.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги Хондамир маҳалласида туман меҳнат бўлими, «Адолат» социал-демократик партияси марказий кенгаши ҳамкорликларида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилбар Сиддиқова билан ёшлар учрашуви уюштирилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласи фаол аёллари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Аёл ва дунё» деб номланди.

● **КЕЧА** Сергели туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида туманнинг фаол аёллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, маслаҳатчилари, Тошкент Давлат юридик институти талабалари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалласида «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Республика Байналмилал маданият марказида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман бўлими Кенгашининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашида ҳаракатнинг Шайхонтоҳур туман бўлимининг III ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 3-кутубхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида китобхонлар иштирокида ўтказилган тадбир «Ҳадислар — ҳикматлар хазинаси» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги 31-оилавий поликлиникада «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзуида шифокорлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО — CIVIL SOCIETY» ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ СОНИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ, СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КЕНГАШ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО — CIVIL SOCIETY» ЖУРНАЛИНИНГ 2006 ЙИЛДАГИ ИЛК СОНИ НАШРДАН ЧИҚДИ.

Журналнинг дастлабки саҳифаларида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» номли маърузаси берилган.

Журналда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давлат қурилиши ва бошқаруви, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни тобора эркинлаштириш каби устувор йўналишларига эътибор қаратилган.

«Жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг ҳуқуқий негизи» деб номланган мақолада жамият ва мамлакатни ислоҳ қилишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар, қабул қилинган, муҳокама этилаётган, тайёрланаётган қонун лойиҳаларининг мақсади, вазифалари, аҳамияти хусусида, қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш бўйича масалалар таҳлил этилган.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга бағишланган мақолаларда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, ўлим жазосини бекор қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда судларнинг роли, бу соҳадаги ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари ва амалга ошириш босқичлари ёритилган.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун мониторингининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, фуқаролик жамиятини шакллантиришда меҳнат жамоаларининг ролига бағишланган мақолалар ўрин олган.

Журналда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳақида ахборот берилган.

Журнал сўнгида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш муаммоларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарлар тўпламлари тўғрисида маълумотлар ҳавола этилган.

ЎзА

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 21 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда эсади. Момақалдироқ пайтида шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 13-15, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар

Ширкат — ибрат

ЧЕТДАН ЁРДАМ КУТМАЙМИЗ

БАҲОРНИ БЕЖИЗГА ЯРАТИШ, ЯШНАТИШ ФАСЛИ ДЕЯ ТАЪРИФ БЕРМАЙМИЗ. У НАФАҚАТ ТАБИАТНИ, БАЛКИ ОДАМЛАРНИ УЙҒОТАДИ, ЭЗГУ ИШЛАРГА УНДАЙДИ.

Аввало ҳар бир инсон ана шу уйғонишни, ободликни ўз уйидан, қадрдон хонадонидан бошлайди. Ахир кўнгилдан бошланган ободлик ҳамма жойни яшнатиши, ён-атрофдагилар дилига ҳам худди шундай эзгу ниятни солиши, шубҳасиз.

Юнусобод туманидаги «Умид-иқтисод биринчи» уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидаги кўп қаватли уйларда бўлганимизда ҳақиқатан ҳам бу ерда яшовчиларнинг кўнглида ободлик борлигига, унинг акси эса турар жойлар ҳолатида, ён-атроф саранжом-сариштилигида акс этаётганига яққол гувоҳ бўлдик.



Ширкат идорасига киришдан аввал уйларни айландик. 3-уй бошқарувчиси Улфат Охунхўжаевни яшовчилар билан учратдик.


— Турар жойимизда 50 та хонадон аҳли яшайди, — деди уйбоши. — Уйимиз олдига экилган гул ва буталар, дарахтлар учун барчамиз бирдек масъулмиз. Яшовчиларимизнинг барчаси ўз уйларини сақлашда, обод этишда қатнашишади. Ахир бундан ўзимизнинг дилимиз яйрайди, болаларимиз ҳам катталардан хайрли ишларни ўрганишади. Ширкат билан ҳамиша ҳамкорликда ишлаймиз, шу боис бўлса керак муаммоларимиз йўқ.

Одатда кўп қаватли уйларда муаммолар етарли бўлади. Шу боис ҳам унинг ечимини топиш мушкул бўлганда, яшовчилар ширкатни бепарволикда айблашади, ширкат эса яшовчиларни... Юқоридаги ширкатда эса ундай эмас, муаммо вақтида, биргаликда бартараф этилади. Бунинг асосий боисини кўпчилик ширкат раисининг тадбиркор ва ташаббускорлигида, ўз соҳасини мукаммал билишида, яшовчилар билан тил топишишида деб билади. Бунга биз ширкатда яшовчи аҳоли, ширкат ходимлари билан суҳбатлашганимизда ҳам амин бўлдик.

Турар жойларга эътиборни кучайтириш, бошқарувни яхши йўлга қўйиш, аҳолига намунали хизматни ташкил этиш мақсадида ўтган йил апрелда барча жойда бўлгани каби 29 та уйни бирлаштирган ширкат 4 га бўлинди. Ана шулардан бири бўлган «Умид иқтисод биринчи»да 7 та уй бирлашди. Улар бир овоздан илгари ширкат раиси Қудрат Ғоиповни сайлашди. Ширкат раиси эса ходимларнинг барчасини шу уйларда, 9-мавзеда яшовчилардан танлади. Лекин у қолган ширкатларга ҳам ёрдам беришни, тажриба алмашишни унутмайди.


— Ширкатимизга қарашли уйлардаги 560 та хонадонда 1687 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Қудрат Ғоипов. — Фаолиятимизда ҳар доим аҳолига қулайликни, яхши хизматни, шарт-шароитни кўзда тутамиз. Бу эса ўзаро ишончни, ҳамжиҳатликни таъминламоқда. Яшовчилар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш харажатлари тўловини оширмасликка қарор қилдик. Лекин четдан ёрдам кутмай, қўлимиздан келадиган ишларни ўзимиз бажаришга киришдик.

Президентимизнинг уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасида ширкатда ўтган бир йил давомида бир қатор ишлар бажарилди. Аввало 49 та кириш йўлаклари таъмирдан чиқарилиб, темир эшиклар ўрнатилди. Аҳолига уларни сақлаш, орасталаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Ҳозирда ҳар бир уйнинг яшовчилари ўзлари танлаган жонкуяр уйбошилари, шунингдек, ҳар бир йўлакнинг эътиборли йўлакбошилари бор. Улар ширкат ходимлари бўлмасада, лекин баб-баравар жон куйдиришади. Уйлар атрофида бирорта ўзбошимча қурилиш, ноқонуний қурилмалар қолмади. Болалар майдончалари эса таъмирдан чиқарилди. Йўлак деразаларининг ҳаммаси қайта таъмирланиб, уйлар ҳолатига, яшовчилар дидига мослаштирилди. Ҳар бир йўлакда аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг телефон рақамлари ёзилган тахтачалар ёпиштирилган.



— Раҳбар уддабурон бўлса, ишлари кўзга ташланса, элнинг ишончи ортиб бораверади, — дейди ширкат бош ҳисобчиси Ханифа Жалолова. — Қудрат ака мана шундай ўз ишига сидқидилдан ёндошадиган инсонлар сирасига киради. Шу боис раисимизни нафақат ўз ширкатимизда, балки қўшни ширкатларда ҳам ҳурмат қилишади. Чунки уларга ҳар томонлама ёрдам беради, муаммолар ечимида кўмаклашади. Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, ишларимиз самараси боисидир, қарздорларимиз йўқ, тўловлар вақтида бажарилмоқда. Кам таъминланган оилалар эса ҳар томонлама — тўлов маъсалисида ҳам, хизмат кўрсатишда ҳам эътиборга олинади.

Яқинда 4-уйда капитал таъмирлаш ишлари якунланган бўлса, 6-уйда давом этмоқда. 1 ва 3-уйларда ҳам капитал таъмирлашни амалга ошириш режага киритилган. Иссиқлик мавсуми тугаши билан ширкат ходимлари келгуси йил тадоригини бошлаб юборишди. Иссиқлик узатиш қувурлари бирма-бир кўрикдан ўтказилиб, жорий таъмирланади. Хонадонларга электрон ҳисоблагичлар қўйиш режаланган. Ҳар бир йўлакка қўйилган электр ҳисоблагичлар эса тежамкорлик гарови бўлмоқда.



— Тозалик соғлиқнинг гарови эканлигини жуда яхши биламиз, — дейди 5-уй йўлакбошиси Дилором Умарова. — Шу боис нафақат йўлакларимиз, ҳовлиларимиз орасталигига эътибор қаратаяпмиз, гул кўчатлари экканмиз. Энг муҳими ҳеч ким бўйин товламай, набвати билан йўлакларни тозалашади. Фарзандларимиз ҳам шунга — яхши одатга ўрганишмоқда. Ахир бу бизнинг уйимиз, муқаддас остонамизку.

Энг қувонарлиси ана шунда. Ширкатдаги жуда кўпчилик хонадон эгалари ширкат бу ўзлари, ўз уйлари, хонадонлари эканлигини англаб етаётганидадир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: 3-уйнинг кўриниши; келгуси мавсум тайёргарлиги бошлаб юборилди; барча йўлаклар мана шундай ороста.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН—РОССИЯ: ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ МАРКАЗИЙ ПАВИЛЬОНИДА ОЧИЛГАН «РОССИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМИ» КЎРГАЗМА-ТАҚДИМОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН АСОСИЙ МАҚСАД КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН РОССИЯНИНГ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ИШЛАРНИ ТАРҒИБ ЭТИШДАН ИБОРАТ.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Россия Федерациясининг Таълим бўйича федерал агентлиги ва Росзарубежцентрнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада Россиянинг 15 та етакчи олий ўқув юртлари фаолиятига бағишланган бўлимлар бор. Улар иқтисодиёт, сервис, тиббиёт, бошқарув, лингвистика, педагогика, қишлоқ хўжалиги, информатика ва янги саноат технологиялари соҳаларида мутахассислар тайёрлайди. Масалан, кўргазмага ташриф буюрганлар Давлат бошқарув университети, Волгоград давлат қишлоқ хўжалиги академияси, Санкт-Петербург давлат политехника университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Уфа давлат авиация-техника университети, Кама давлат муҳандислик-техника академияси ва Россиянинг бошқа нуфузли олий ўқув юртлари фаолиятига оид маълумотлар билан танишиши мумкин.

Тадбирнинг очилишида Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ўзбек модели ўзининг самарадорлигини исботлагани ва унинг дунёда эътироф этилганлиги таъкидланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ушбу муҳим жабҳа фаолиятини яхшилаш, таълимни жаҳон стандартлари ҳисобга олинган ҳолда янги ва сифатли даражага кўтариш имконини бермоқда. Халқаро ҳамда МДҲ доирасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон билан Россия ўртасида Иттифоқчилик муносабатларига оид битимнинг имзоланиши таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидландики, олий ўқув юртларини тамомлаганлик ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш ва умумий таълим муҳитини шакллантириш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларнинг амалга оширилиши мазкур жараённи ривожлантиришга кўмаклашади. Бу таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва адабиётларни ишлаб чиқишда янада самарали ҳамкорлик қилиш учун имкон беради. Талабалар ва ўқитувчиларнинг тажриба ва малака ошириши йўлга қўйилди. Бугунги кунда 6 мингга яқин ўзбекистонлик ёшлар Россия олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Тошкентда Г.Плеханов номидаги академия филиали фаолият кўрсатмоқда, жорий йил сентябрь ойидан эса Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлашга киришади.

Россия федерал агентлигининг таълим бўйича раҳбар ўринбосари А.Казенов таъкидлаганидек, Россиянинг таълим тузилмалари Ўзбекистон билан алоқаларнинг кенгайишидан манфаатдор. Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг муваффақияти нафақат кадрлар тайёрлашда, балки жиддий илмий тадқиқотларни ўтказиш, муҳандислик-техника соҳасида изланишлар борасидаги ютуқларда кўзга ташланмоқда. Шунинг учун тажриба алмашиш, ҳамкорликда изланишлар олиб бориш иккала томонга ҳам фойда бериши шубҳасиз.

Бу масалалар кўргазма доирасида ўтказилган «Олий таълим соҳасида Россия — Ўзбекистон ҳамкорлиги: бугун ва эртага» мавзуидаги давра суҳбати қатнашчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида талабалар ва ўқитувчиларнинг малака оширишини кенгайтириш, ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар ва ўзаро тажриба алмашишга ёрдам берадиган тўғридан-тўғри шартномалар тузиш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Бундан кўзланган мақсад мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштиришдан иборат.

Кўргазма доирасида россиялик меҳмонлар пойтахтимиздаги йирик олий ўқув юртлари фаолияти билан танишади. Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари, Тошкент давлат техника ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетлари профессор-ўқитувчилари билан учрашади. Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Шаҳрим — фахрим

БАРЧАМИЗ ҲИССА ҚЎШСАК

ГЎЗАЛ ПОЙТАХТИМИЗГА ОБОДЛИК ВА КЎРКАМЛИК ЯРАШАДИ. АНА ШУ ОБОДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА, ШАҲРИМИЗ ЧИРОЙИНИ ЯНАДА ОШИРИШДА ҲУСНУ ТАРОВАТ БАХШ ЭТАДИГАН ГУЛУ ГУЛЗОРЛАР, ЯШИЛ МАЙСАЗОРЛАР ВА МЕВАЛИ ҲАМДА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАРДАН ИБОРАТ БОҒУ-РОҒЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС.

— Ана шу беқиёсликни дилдан ҳис этган ҳолда эрта баҳордан пойтахтимиз ободлиги ва кўкаламзорлигига алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бош агрономи Лазокат Исломова. — Бошқармамиз тавсиясига кўра гуллар экиш ва парваришлашни ташкил этиш бўйича кўрик-танлов эълон қилинган бўлиб, бу албатта йил охирида ғолибларни тақдирлаш билан ниҳояланади. Шу боис ҳам Наврўз айёмига тайёргарликдан бошланган саъй-ҳаракатларимиз, яъни гул ва буталар, мевали ва манзарали дарахтлар экиш борасидаги юмушларимизни бир зум ҳам бўшаштирганимиз йўқ.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, йил бошидан буён 600 дан ортиқ қуриган дарахтлар олиб ташланиб, 28 минг тупдан зиёд дарахтларга шакл берилди. Экилган дарахтлар парваришига алоҳида эътибор қаратилиб, 635 тонна ўғит солинди, 1230 гектардан зиёд майдондаги яшил майсазорлар тозаланиб, тартибга келтирилди.

Дарахт ниҳоллари, бута ва ранг-баранг гуллар экиш борасида амалга оширилган ишларимиз шаҳримизни боғу-роғларга, гулу чаманзорга айлантиришга қаратилган бўлиб, шу кунгача пойтахтимиз ҳудудига жами 43 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахтлар, 25 минг тупдан ортиқ бута кўчатлари, минглаб туп ранго-ранг гуллар экилди.

Айни кунларда, айниқса турфа гул кўчатларини шаҳримиз майдон ва хиёбонлари, шоҳкўча ва кўчалари, корхона ва ташкилотлар, муассасалар ён-атрофларига экиш ишлари давом эттирилмоқда. Канн, мальва каби кўп йиллик ҳамда ўзимизнинг иқлим шароитимизга мос гултожихўроз, шойигул, итоғиз, райҳон, петуния (карнайгул), қўқонгул сингари бир йиллик гуллардан жорий йилда 3 миллион тупга яқин ўтқазишни кўзда тутганмиз. Ҳақиқатан ҳам пойтахтимиз анвойи гуллар чиройидан яшнайди, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари ўзгача завқ-шавқ оладди.

Мустақиллигимиз шарофати билан пойтахтимиз йўллари янгича қиёфа касб этмоқда, мустаҳкам кўприклар қад ростламоқда. Ана шу йўллар, жумладан Кичик ҳалқа йўлининг икки четига манзарали, яъни игнабаргли дарахтлар ўтқазилди, кўприклар ён-атрофида майсазор ва гулзорлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, Навоий, Ўзбекистон, Халқлар Дўстлиги, Буюк Ипак йўли, Ш.Рашидов, Буюк Турон, Нукус ва бошқа шоҳкўчалару кўчаларнинг ободлигига алоҳида ёндошилмоқда. Айниқса, пойтахтимизни яшнатиш ва гуллатиш йўлида амалга оширилаётган ишларга манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги боғбон ҳамда гулчилари муносиб ҳисса қўшишмоқда. Жамоа аҳлининг меҳнати эвазига етиштирилган дарахт ва гул кўчатлари сифати ва турлари билан талабга тўла жавоб беради.

Айни кунларда эса бошқармамиз ходимлари 9 май—Хотира ва Қадрлаш кунига қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Пойтахтимиздаги Хотира майдонида ва унга туташ кўча ва хиёбонларда янги гулхоналар ташкил этилмоқда.

Азим Тошкентимиз, гўзал пойтахтимиз барчамиз учун қадрли ва ҳар биримиз у билан фахрлансак арзийди. Шу боис ҳам уни яшнатиш, яшартириш, гуллар масканига айлантириш йўлида нафақат ободонлаштириш соҳаси ходимлари, балки барча бирдай меҳнат қилса, гул экса, кўчат ўтқазса, парваришига эътибор қаратса, бу ҳаммамизнинг ютуғимиз бўлади.

Шарофат БАҲРОМОВА

Дилдаги гаплар

ИССИҚ СУВМИ — ИЛИҚ СУВ?

• Назокат ТОИРОВА, Миробод тумани

— Албатта ҳар бир нарсанинг ўз меъёри, ҳар бир хизматнинг ўзига яраша заҳмати, машаққати бор. Аҳолига иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув, газ, электр энергияси етказиб берувчи соҳа ходимлари ҳам шулар жумласига киради. Уларнинг беминнат хизматидан мамнун бўлган ҳолда «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасига озгина бўлса-да эътирозларимиз бор.

Хонадонимизга иссиқ ва совуқ сув, газ учун электр ҳисоблагичлар ўрнатганимизга бир йилдан ошди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, уларнинг афзалликлари ўзига яраша бўлганлиги боис ҳам ресурслардан тежамкорлик ва оқилона фойдалансак, тўлов масаласида ҳам иқтисод қилаяпмиз. Бу ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ. Шу боис хонадонларига ҳисоблагичлар ўрнатган истеъмолчилар, албатта ютади.

Лекин асосий муаммо унда эмас. Жўмракни бурасангиз иссиқ эмас, аввал совуқ, кейин эса илиқ сув оқади. Иссиқ сув келишини кутиш учун анча вақт кетади. Бу орада эса ҳисоблагич сув исишини кутиб турмайди: ғир-ғир айланаверади. Нима учун маълум вақтгача оқиб турадиган совуқ ёки илиқ сув учун бир неча баравар қиммат иссиқ сув пулини тўлашимиз керак? Ахир тўлов иссиқ сув учун бажарилгач, хизмат кўрсатувчилар ҳақига яраша сифатли ишлашсин-да. Қачонгача иссиқ сув жўмрагидан оқаётган гоҳ совуқ, гоҳ илиқ сувга ва яна чириллаб айланаётган ҳисоблагичга қараб асабимиз бузилади?

ИШИМИЗ АНЧА ЕНГИЛЛАШДИ

• Ольга БОГАУТДИНОВА, Ҳамза туманидаги «Шодлик хизмати» уй-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори:

— 2001 йилда иш бошлаган ширкатимизда 21 та кўп қаватли уй бўлиб, 2400 дан зиёд хонадон аҳли яшарди. Тўғрисини айтиш керак, бундай вазиятда ишлаш бирмунча ноқулайликлар туғдирар, уйларнинг барчасини бирдай бошқариш қийин кечарди. Шу боис ҳам Президентимизнинг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ушбу муаммо ечимини топишда айни муддао бўлди.

Ана шу қарор асосида бизнинг 10 та уй катта ширкатдан ажралиб чиқди. Орадан ўтган бир йил тўғри иш юритганимизни исботлаб турибди. Барча уйларимизнинг ҳолатини, муаммоларини аниқлаб, яшовчилар билан биргаликда режа асосида иш бошладик. 26 та йўлак тўла таъмирланиб, ҳар бирига йўлакбошилар сайланди, 12 та темир эшиклар ўрнатилди. Аҳолидан тушган пулни иқтисод қилиш мақсадида ертўлага ҳар бир йўлак учун электр ҳисоблагичлар ўрнатилди. Ишимиз натижаси кўрингач яшовчиларнинг ўзлари ҳамжиҳатликка интилмоқда. Бу, албатта асл мақсадимиз, кўзлаган ниятимиз.

Ҳозирда кузги-қишки мавсум тайёргарлигини бошлаб юборган ҳолда яна 14 та йўлакка темир эшиклар ўрнатяпмиз, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга эътибор қаратиб уйларимиз олдида ташкил этилган кичик боғимизга яна 120 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздик. Болалар майдончаси бунёд этяяпмиз. 4 ва 7-уйларни ўз кучимиз билан капитал таъмирлашга киришмоқчимиз. Сирасини айтганда, барча бажараётган юмушларимизда яшовчилар билан ҳамкорликка, ҳамжиҳатликка интилаяпмиз.

Сўранг, жавоб берамиз

ШИРКАТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Кўп қаватли биноларни бирлаштирган уй-жой-мулкдорлари ширкатларининг мажбуриятлари нималардан иборат? Ана шу ҳақда маълумот берсангиз.

Мукамбар НАЗАРОВА, уй бекаси.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонуни 14-моддасида мана шундай кўрсатилган:

"Ширкат шартнома мажбуриятларини бажариши, уйлар ҳамда улар атрофидаги ҳудудлар лозим даражадаги санитария-техника ҳолатида сақланишини таъминлаши, уй-жой фондидан техник фойдаланишнинг ягона қоидалари ва нормаларига риоя этилган ҳолда уйларга хизмат кўрсатишни ва уларни таъмирлашни ташкил этиши, ширкатнинг барча аъзолари турар жойлардан фойдаланиш, уйни ҳамда унинг атрофидаги ҳудудни сақлаш қоидаларини бажаришларини, мажбурий тўловлар ўз вақтида келиб тушишини таъминлаши, ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини белгилаши, умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шартлари, тартиби белгиланаётганда ширкат барча аъзоларининг манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, уй-жойга оид муносабатларда, шунингдек, ширкат аъзоларининг учинчи шахслар билан бошқа муносабатларида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ширкат аъзолари манфаатларини ифодалаши шарт".

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЎМАК

ПОЙТАХТДАГИ БАНКЛАР УЮШМАСИДА РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИЙ БАНКИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Тошкент шаҳар тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси ҳамда мутасадди ташкилотларнинг раҳбар-ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишлаб чиқарувчиларнинг кредитга бўлган талабини қондириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Навбатдаги давра суҳбатида ҳам хусусий секторга лизинг хизматини кўрсатиш, соҳани хорижий ҳамда маҳаллий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш масалалари муҳокама этилди. Мутахассислар томонидан хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар, имтиёз ва қулайликлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг банк хизматларидан самарали фойдаланиш йўриқлари, кредит линияларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бу борада қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбир доирасида тадбиркорларга берилаётган кредитлар ҳажмининг барқарор ўсиб боришини таъминлаш, айниқса, микрокредит ажратиш ва микролизинг хизматлари кўрсатишни кенгайтириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

"Туркистон-пресс"

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ОРОМГОҲЛАРНИНГ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИГИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ МАЪЛУМОТИГА КЎРА, ҲАР ЙИЛИ 40 МИНГГА ЯҚИН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗ ТАБИАТ ҚЎЙНИДАГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИДА ДАМ ОЛАДИ. БИР ҚАРАШДА БУ КАТТА КЎРСАТКИЧГА ЎХШАШИ МУМКИН. АММО АГАРДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАКТАБЛАРДА 340 МИНГДАН ЗИЁД ЎСМИРЛАР ТАҲСИЛ ОЛИШИНИ ИНОБАТГА ОЛАДИГАН БЎЛСАК, БОШҚА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЁЗНИ ҚАНДАЙ ВА ҚАЕРДА ЎТКАЗАДИ?

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларида дам олишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар комиссиясининг йиғилиши кун тартибида шу масалага алоҳида урғу бериб ўтилди.

Халқ таълими бош бошқармаси ахборотига кўра, бу йили шаҳардаги 25 та мактабда анъанавий кундузги стационар оромгоҳлари ташкил этилиб, уларда, ташкилотчиларнинг таъкидлашича, 2,5 мингга яқин боланинг мазмунли ҳордиқ чиқариши таъминланади. Ушбу йўналишда ҳар бир туман бўйича энг яхши мактаблар саралаб олиниши ва бу борада асосий эътибор спорт мажмуалари, шу жумладан чўмилиш ҳавзалари мавжудлигига қаратилади.

Жорий йилда оромгоҳларда болаларни қамраб олиш кўрсаткичи 13,5 фоизни ташкил этади. Бу эса ўтган йилга нисбатан 5 минг зиёд болага кўп бўлиши кутилмоқда. Бутун ёз давомида 307 та мактабдан 39 тасида таъмирлаш ва реконструкция ишлари давом эттирилишини инобатга олган ҳолда, 243 тасида ўсмирларни истиқомат қилиш жойларига яқин бўлган мактаблардаги тўгаракларга кенгроқ жалб этиш мақсадида ёзги дам олиш майдончалари ташкил этилади. Мазкур майдончалар кун давомида ишласада, болалар ҳам доимий равишда ўқитувчи-тарбиячилар қарамоғида бўлади.

Шаҳар чеккаси, яъни табиат қўйнида июнь ойидан бошлаб то августнинг охиригача тўрт босқичда ташкил этилиши режалаштирилаётган соғломлаштириш оромгоҳларининг фақат 27 таси мавсумга тайёрлиги тўғрисида ҳисобот берилди. Бироқ шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ахборотига кўра, оромгоҳларнинг асосий қисми шартли ўтказилиши лозим бўлган таъмирлаш-профилактик тадбирларига ҳануз киришмаган. Болаларнинг дам олиш масканларини мавсумга ўз вақтида ва талаб даражасида таъмирлашда «Технолог», «Алгоритм», «Тошйўловчихизмат», «Нурафшон», «Тошнефтгазқурилиш трести» каби корхона ва ташкилотлар, шунингдек Тошкент Давлат техника университети томонидан ўз тасарруфидаги оромгоҳларда салмоқли ишлар қилинган. Жумладан, барча муҳандислик инфратузилмалари созланиб, ҳудудлар ҳам тартибга келтирилган ва айни пайтда дам олиш ва маъмурий хоналар телефон алоқаси, оргтехника воситалари, зарурий асбоб-анжомлар билан жиҳозланмоқда.

Қолган 20 та оромгоҳда эса қисман ободонлаштириш ишлари бошланган, аслида бу ерларда кузги-қишки мавсум тугаши билан қилинадиган қурилиш-таъмирлаш ишлари кўлами анча кенг. Вазиятни инобатга олган ҳолда йиғилишда тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарларига ўз тасарруфидаги дам олиш муассасаларининг мавсумга вақтида тайёргарлигини таъминлаш борасида тезкорлик билан барча чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Комиссия йиғилишида шунингдек, педагог ва тарбиячилар ҳамда оромгоҳ раҳбарларини касбий маҳоратига қараб танлаш мезонини жорий этиш масаласи кенг муҳокама қилинди. Таъкидлаб ўтилганидек, жорий йилдан бошлаб ёзги мавсум очилиши олдидан ҳар бир масъул шахс шаҳодатдан ўтказилиб, энг намунали оромгоҳлар негизида уюштириладиган махсус ўқув машғулотларига жалб этилади. Дарвоқе, айнан намунавий оромгоҳларда 700 нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Оролбўйи ҳудудларида истиқомат қилувчи 1,2 мингта болажон ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилалардан 200 нафар ўғил-қизни бепул йўлланмалар асосида соғломлаштириш кўзда тутилган.

Шубҳасиз, болаларнинг дам олишини таъминлаш борасида хавфсизлик масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда дам олиш муассасаларини мавсумга қабул қилиш жараёнида, шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти таъкидлаб ўтганидек, нафақат санитария ва ёнғин хавфсизлиги юзасидан ҳолатини таҳлил этиш, балки оромгоҳларнинг жойлашуви, айниқса тоғлик зоналарда об-ҳаво ҳаттоки ёз мавсумида ҳам кескин ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб, иш кўриш лозимдир.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва пойтахт касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган махсус чора-тадбирлар режасига биноан соғломлаштириш оромгоҳлари ёз мавсумига 25 майга қадар тайёр бўлиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларида мазмунли ва мароқли дам олишини юқори даражада таъминлаш борасида Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Савдо, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси департаменти, шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ҳокимликнинг бошқа тузилмаларига ҳам тегишли топшириқлар берилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Санъат

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА «ИЛҲОМ» ТЕАТРИ РЕПЕРТУАРИДА ТОМОШАБИННИ ҲАЯЖОНГА СОЛАДИГАН МУАММОЛИ АСАРЛАР ПАЙДО БЎЛДИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УНУТИЛИБ БОРАЁТГАН МАДАНИЙ АНЪАНАЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШГА ОИД ФОЛЬКЛОР АСАРИ ҲАМ ТЕАТР ТОМОНИДАН ПОСТАНОВКА ҚИЛИНДИ.

Бу янги синтетик постановкада ўзбек ва тожик халқ рақси ўзига хос шўхчан талқинини топди. Ёш раққослар ижросида намойиш қилинадиган бу композицияда таниқли рассом Уста Мўмин чизган расмлардан кенг фойдаланилди.

Эътиборли томони яна шундаки, янги спектакль театрнинг бадиий раҳбари Марк Вайл билан таниқли америкалик хореограф Дэвид Русив ижодий ҳамкорлигида юзага келди.

ҚИЗИҚАРЛИ МУЛЬТФИЛЬМ

ЧИҚИНДИЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ, САҚЛАНИШИ, ҚАЙТА ИШЛАНИШИ ВА УТИЛИЗАЦИЯСИ МАСАЛАСИ СОФ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШДА ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

Атроф-муҳитни чиқиндилардан халос этиш йўлида кўрилаётган техник, санитар ва экологик тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

«Чиқиндилар тўғрисида»ги ҳужжатни амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга бағишлаб қатор экран асарлари суратга олинди. «Чиқинди бошқаруви» деб номланган мультфильм ҳам юзага келди.

Ўзбекистон давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саъй-ҳаракати билан яратилган бу каби ҳужжатли фильмларнинг тақдимоти ўтказилди. Улар энг яхши ижод намуналари деб баҳоланди.

Акбар АЛИЕВ

ФИДОКОРЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА "ЁШЛАР ҚАНОТИ" ФАОЛЛАРИ ИШТИРОКИДА "БУЮК КЕЛАЖАКНИ ФИДОЙИ ЁШЛАР ЯРАТАДИ" МАВЗУИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда партияларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. "Фидокорлар" партия аъзоларининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Шу боис ҳам у ўз фаолиятининг катта қисмини ёшлар сиёсатига қаратган. Унинг таркибида ташкил этилган "Ёшлар қаноти"нинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Партия фракцияси аъзолари ҳамда Ёшлар қаноти фаоллари иштирокида ўтказилган очиқ мулоқотда амалга оширлаётган ишларни янада жонлантириш ва кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Учрашувда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, ёшлар сиёсатига оид масалалар юзасидан ахборот берилди. Таъкидланишича, партиянинг сайловолди ҳаракат дастурида ёшлар сиёсатига оид бир қатор вазифалар, жумладан, йигит-қизларни ақидапарастлар хуружидан ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликни ва гиёвандликка ружу қўйишнинг олдини олиш, уларда юксак ахлоқни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис ҳам жойларда партия вакиллари томонидан мунтазам учрашувлар, форумлар, кўрик-танловлар, фестивallар ўтказилмоқда.

Учрашувда фидокорлар сафига кираётган бир гуруҳ ёшларга аъзолик билети топширилди.

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

"КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИНГ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ШАЙХОНТОҲУР ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ҲАРАКАТНИНГ УЧИНЧИ ҲИСОБОТ САЙЛОВ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Шайхонтоҳур туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг икки ярим йиллик фаолияти муҳокама қилинди. Тадбирда тумандаги мактаб, коллеж, лицей ва олийгоҳ талабалари иштирок этди. "Камолот"нинг Шайхонтоҳур туман бўлими вакиллари сўзга чиқиб, назорат тафтиш комиссиясининг ўтган даврдаги фаолияти ҳақида ҳисобот беришди. Икки ярим йил мобайнида "Камолот" ҳомийлигида тумандаги кам таъминланган оила фарзандларига, ногирон болаларга, вояга етмаган ўсмирларга дарсликлар, ўқув қуроллари, кийим-кечаклар, спорт анжомлари, ёзги дам олиш оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилганлиги алоҳида айтиб ўтилди. Ёшлар орасида гиёвандликка қарши курашиш борасида "Камолот" нинг Шайхонтоҳур тумани бўйича маҳаллаларда ва мактабларда ўтказган тадбирлари ижобий натижалар берганлиги ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Анжуман сўнгида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Шайхонтоҳур туман бўлимига Кенгаш раиси сайланди.

"Туркистон-пресс"

Матбаа

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» САҲИФАЛАРИДА ЎҚИНГ

«ИНСОН ҲАЁТИ, УНИНГ КАМОЛИ ҲАҚИДА ЎЙЛАШ—ЎТА МУРАККАБ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА. БАРЧА ЗАМОНЛАР ВА ХАЛҚЛАРНИНГ УЛУҒ ОЛИМЛАРИ ВА АДИБЛАРИ, ДОНИШМАНДУ ФАЙЛАСУФЛАРИ БУ ҲАҚДА КЎП ВА ХЎБ КИТОБЛАР, АСАРЛАР ЁЗДИЛАР. ТАФАККУР МЕВАЛАРИНИ БИЗГА ҲАДЯ ЭТДИЛАР. ОЛЛОҲИМИЗ ЯРАТГАН ЭНГ ОЛИЙ ҲИЛҚАТ—БУ ИНСОН».



Азиз газетхон! Ушбу фикрлар билан «Ўзбекистон матбуоти» журналида Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг «Маънавият сояти» рукни остида берилаётган «Камолот мезони» мақоласида танишасиз.

Маълумки, «Ўзбекистон матбуоти» журнали 1918 йилдан дунё юзини кўрган бўлса ўтган вақт ичида ўз мухлису мухлисаларига эга бўлиб, ҳаётимизда содир бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисаларни изчиллик билан ёритишга, саҳифаларини ўқувчи талабига жавоб берадиган турли мавзудаги долзарб, ўқимишли мақолалар билан тўлдириб боришга, замон билан ҳамқадам одимлаб бугунги кун талабига «лаббай» деб жавоб беришга интилиб келаётган нашрлардан биридир.

2006—Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг илк сонида ҳам ушбу журналда «Ижодий танловлар— маҳорат кўриги», «Мушоҳада», «Замон билан ҳамнафас, халқ билан бирга», «Фаоллик—бош мезон», «Ҳозиржавоблик ҳисси», «Жамият ва оила:маънавий, ахлоқий олам», «Улуғимсан, ватаним!», «Шашмақом»ни соғиниб...» каби турли мавзудаги, элимиз ардоғида бўлган инсонлар, қадр-қиммат, маънавий баркамоллик, тарихимиз сарчашмалари ҳақидаги таниқли шоир, адиб олима, қалами ўткир журналистларнинг ўқимишли мақолалари берилган.

Ўйлаймизки, журнал саҳифаларини варақлаган ҳар қандай зукко ўқувчи ўзига маъқул бўлган мавзуни топа олади. Айни вақтда эслатиб ўтмоқчимиз, «Ўзбекистон матбуоти» журналига 2006 йилнинг қолган ойлари учун обуна давом этмоқда. Ўз севган нашрингизни қўллаб-қувватлаб, ўзингизни қизиқтирган барча қераклн маълумотлардан баҳраманд бўлинг.

Гулнора МУСЛИМОВА

Болалар адабиёти бурчаги

Қадим замонларда душман бир мамлакатни босиб олиб, подшоҳ хазинасини, эл-юрт мол-мулкини талон-тарож қилиб олиб кетибди. Бору йўғидан айрилган халойиқнинг фиғони фалакка чиқиб йиғлай бошлабди.

— Йиғламанглар болаларим, бойлигингиз ўзингизда қолди, — деди кекса донишманд.

— Қани ўша бойлик, бизга кўрсатинг, — дебди одамлар.

— Мана, ўша бойлик, — дебди донишманд сарой кутубхонасини кўрсатиб.

Абу Али ибн Сино ўсмирлик чоғида оғир касалга чалинган подшоҳ Нуҳ бинни Мансурни бир ҳафтада даволаб тузатиб юборибди. Бундан бениҳоя қувонган шоҳ: "Тила тилагингни, қанча тилла берай сенга?"— дебди унга.

Ибн Сино: "Менга олтин керак эмас, сарой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат берсангиз бўлди,"— дебди. Подшоҳ унинг талабини бажонидил қабул этибди.

Шоҳ Бобурнинг чеварси шоира, олима Зебуннисо: "Менинг бахтим ҳам, тахтим ҳам китоб" деган экан. Ўзи шоҳ қизи бўлса ҳам бойликка, зебу зийнатга ҳеч қизиқмас экан. Китобни тожу тахтдан ҳам юқори қўйган бу аллома "Қуръони карим"ни ўз ақли билан икки маротаба кўчириб китоб қилган экан.

Болалар, кўрдингизми, ота-боболаримиз китобнинг қадрини қандай баланд тутганлар. Китобни қўлга олар эканлар, уни аввал пешонага босиб, ўпиб, сўнг ўқишга киришганлар. Шеърда тавсиф этилган Зарифбобо ҳам китобни ана шундай қадрлайдиган, китобга олий маънавий неъмат деб қарайдиган доно отахонлардан биридир.

МУАЛЛИФ

ИЛМ ЧИРОҒИ

Қўшнимиз Зарифбобо,
Ақлли, жуда доно.
Оппоқ чўққи соқоли,
Ҳикматлидир мақоли.
Ёзган кўпдан кўп китоб,
Мақоллари беҳисоб.
Эртаклари ажойиб,
Бир-биридан ғаройиб.
Эшитсанг қизиқ роса,
"Бир куни алдар кўса"
Шаҳаншоҳни мот этиб,
Ғўлигин исбот этиб
Эга бўлиб тахтига
Етишибди бахтига.."
Бу кекса донишмандни,
Тиллари асал-қандни.
Биз атаймиз Бобонур,
Унга раҳмат, ташаккур!
Бийрон этар тилимиз,
Равшан этар дилимиз.
Китоб ўқинглар дейди,

Бизнинг ғамимиз ейди:
— Китоб ўқисанг болам,
Сенга бу кўҳна олам.
Сирин кўпроқ очади,
Зеҳнингга нур сочади.
Мана бу китоб Жавлон.
Кўп йил бўлган қатағон,
У тариҳдан бир лавҳа,
Эзгуликка сарлавҳа.
Уни ёзган Қодирий,
Адибларнинг нодири.
Бўлди зулм қурбони,
Ноҳақ тўкилди қони.
Ҳар бир китоб бир олам,
Сўзим унутма болам.
Мана, уй тўла китоб,
Саноғи йўқ, беҳисоб.
Олиб ўқинг марҳамат,
Китобда ҳамма ҳикмат.
Китоб бўлса йўлдошинг,
Ақлга тўла бошинг.

Зеҳнинг мисоли олмос
Сўзларинг донога хос.
Унга қўйсанг меҳрингни,
Очар кўнгил зеҳнингни.
Бўлай десанг зўр олим.
Ёки доноиш муаллим.
Ёки шоир, ёзувчи
Барин беради китоб,
Китоб гўёки офтоб.
Китоб кирса уйингга,
Шуур кирар ўйингга.
Асра уни кўзим деб,
Ҳар ҳарфини ўзим деб.
Боболар китобида
Ҳар бир порлоқ бобида,
Бор асрлар садоси,
Аждодларнинг нидоси.
Шоҳи Машраб фарёди,
Мазлумлар оҳи доди.
Улар тарих ойнаси,
Маънавий хазинаси
Хазинанинг оч сирин,
Неки унда яширин.
Мағзин чақиб билиб ол,

Гапларига қулоқ сол.
Кўринг Алишер доно
Китобдан олиб маъно.
Шоҳ асарлар яратди,
Оламга нур таратди.
Унинг ҳар бир достони,
Нафосат гулистони.
Фарҳод, Ширин ва Лайли
Моҳинбону Суҳайли.
Овга ўч шоҳи Баҳром,
Ишқ санами Дилором...
Яна ёзди Чор девон,
Ҳар ғазали бир жаҳон...
Сен улардан ол сабоқ,
Китобга дўст бўл ўртоқ.
Китобга ғзма, чизма.
Зинҳор қалам теккизма.
Эъзозлагин устоз деб,
Ҳар бир сўзин мумтоз деб
Доим жонингга жо қил,
Айтганларин бажо қил.
Ундан кетмагил йироқ,
У кўнгилга шамчироқ.

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ

ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ ВА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕРПОЛ- ХАЛҚАРО ЖИНОИЙ ПОЛИЦИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ 1994 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРДА БЎЛИБ ЎТГАН 63-СЕССИЯСИДА УНГА ТЎЛА ҲУҚУҚЛИ АЪЗО БЎЛИБ КИРГАН ЭДИ. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ТАШКИЛОТНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИЙ БЮРОСИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДА ҚАТОР ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

Жумладан, бюро Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган ва дунёнинг икки юзга яқин мамлакатида фаолият юритаётган Интерпол ташкилоти ҳақида батафсил маълумот берувчи илмий-оммабоп адабиёт яратди. Интерпол ташкилоти ҳақида шу пайтгача бирорта ўзбекча китоб тайёрланмаган эди. Тошкент Давлат юридик институти 3-курс талабаси Отабек Мирзаев эса бу борада таҳсинга сазовор бўлган ишни амалга оширди. У илк маротаба «Интерпол» китобининг ўзбекча нусхасини яратиб барчани ҳайратга солди.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Интерпол» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент Давлат юридик институтининг илмий ишлар бўйича проректори Баҳриддин Усмонов кириш сўзи билан очар экан, жумладан шундай деди: — Сўнги вақтда олий ўқув юрти профессор ўқитувчилари ва талабалари жамоаси ҳуқуқ соҳасининг кўплаб йўналишларида туркум китобларни нашр этиши анъанага айланиб бормоқда. Отабек Мирзаев томонидан мазкур китобнинг яратилиши эса кутилмаган бир янгилик бўлди. Чунки Интерпол ташкилоти ҳақидаги барча адабиётлар фақатгина инглиз ва рус тилларида нашр этилган. Бу ишда албатта институтимиз жамоасининг ўрни беқиёс бўлсада, асосий муаллиф ва ғоя эгаси унинг ўзидир.

Дарҳақиқат, талабанинг бундай сиёсий даражадаги китобни яратиши қувончли ҳолдир. Китобни тайёрлашда муаллиф бир қатор манбааларга мурожаат қилган. Айниқса бу борада қароргоҳи Франциянинг Лион шаҳрида жойлашган Интерполнинг Бош котибияти веб сайти, рус олимларининг қатор тадқиқот ишлари ва жаҳондаги энг нуфузли университетларнинг ҳуқуқшунослик факультетлари битирувчи курс талабаларининг илмий ишларидан самарали фойдаланилган. Нашрда ташкилотнинг ташкил топиши, унинг бугунги кунимизгача бўлган даврдаги тарихи, фаолият йўналишлари, ривожланишининг назарий ва амалий муаммолари қамраб олинган.

Тақдимот маросимида Интерпол ташкилотининг мутасаддилари, журналистлар ва талабалар иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Яхшилар ёди

АРДОҚЛИ ИНСОН ВА МЕҲРИБОН УСТОЗ ЭДИ

ҲАЁТДА ҲАР КИМНИНГ, ҲАР БИР НАРСАНИНГ ЎРНИ, ХИЗМАТИ ВА ШУНГА ЯРАША ҚАДРИ БОР. ОСМОНЎПАР ТОҒЛАР, ДАРАХТЛАР ЖАЗИРАМА ОФТОБ НУРИДАН БАРЧА ЖОНЗОТНИ СОЯСИ БИЛАН АСРАСА, БОҒЛАР МЕВА БЕРАДИ, ИНСОН ЭСА МЕҲР-МУҲАББАТИ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИБ БОҚИЙЛИККА ЮЗ ТУТАДИ.

Қурилган кўприклар, равон йўллар, муҳташам бинолар каби яратилган асарлар, куй-қўшиқлар ва меҳр билан тарбияланган қобил фарзанд, етиштирилган муносиб шогирд ота номини, устоз хотирасини қалблардан чуқур жой олишига, мангуликка муҳрланишига хизмат қилади. Одамларга керак бўлиб, барчага нафи тегиб яшаган бағри кенг, ҳокисор инсонлар ҳақли равишда эл меҳрини қозониб, бахт-саодатга етишади. Неъматжон Дўстхўжаев ҳам баракали умр кечирган, ҳавас қилса арзигулик инсонлардан эди.

Тоғнинг улуғлиги, дарёнинг азимлиги яқиндан эмас, узоқдан кўринганидек, вақт ўтган сари эл назарига тушган инсон қадри, унинг хизмати чуқурроқ, яққолроқ билинади.

Ўзбекистон радиосига ишга борган йилларим. Ўрта бўйли, юзлари қизил мағизли, кўзлари кишига меҳр, маъно билан боқувчи, жарангдор овоз билан сайқаллаб, салмоқлаб сўзловчи нуроний чеҳрали отахон билан коридорда учрашганимда бу одам мени қизиқтирган эди. Ҳар бир ёш мутахассис билан суҳбатлашиш, унга тегишли йўл-йўриқлар кўрсатиш, хазинадек бой билимини аямаслик каби хислатлар Неъматжон ота учун хос бўлиб, ардоқли инсон, севимли устоз даражасига етказади. У кишининг барчага яхшилик қилишга интилиб, умрини мазмунли ўтказишга, кексайган чоғида ҳам дўстларига, шогирдларига нафи тегиб келган оташқалб, ҳалол инсон, ўз ишининг устаси, фидойиси эканлигини кейин билдим. Халқимизда, «Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақшдир» деган доно нақл бор. Неъматжон отани ҳақли равишда бахтли инсон деб айтгим келади.

Неъматжон ота, атоқли маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов очган мактабда таҳсил олган умидли толиб бўлиб, буюк устозидан эл-юрт тараққиёти, порлоқ келажаги, ватанпарварлик руҳидаги олинган сабоқ умрининг мазмун-мақсадига айланди. Неъматжон Дўстхўжаев ёшлигиданоқ илмга ташна, санъатга шайдо бўлди, ўзи устида изланди, интилганига толе ёр бўлди. У ўзбек театр санъатининг асосчиси — Маннон Уйғурнинг шогирдларидан ва айниқса, Ўзбекистон радиосида режиссураннинг тамал тошини қўйган, унинг бешигини тебратиб, камолга етказган, 25 йил узлуксиз бош режиссёр сифатида баракали хизмат қилиб, ўлмас асарларни тарих саҳифасига ёзгандек, магнит тасмасига заргарона муҳрлаган толмас иждодкор, маданиятимиз, санъатимиз ривожига камарбаста кўплаб шогирдларни етиштирган фидойи, етук устоз саналади.

Санъатга меҳр қўйган, садоқат билан меҳнат қилган Неъматжон ота ижодий ютуқлардан қувониб, саҳнадаги ва ҳаётдаги эзгу мақсадларни уйғунлаштиришга, эзгуликка хизмат қилишга интилган қалби пок инсон. «Тоҳир ва Зуҳра» бадиий фильмида иккинчи режиссёр бўлиб Тоҳирни чин дилдан ардоқлагани учун мазкур фильмнинг премьерасидан кейин дунёга келган ўғлига Тоҳир, деб исм қўйганликлари негизида ҳам олам-олам маъно бор.

Неъматжон ота эришган ютуқлари, элда топган обрў-эътибори машаққатли меҳнат ва севимли касбга меҳр-муҳаббат ҳамда садоқатнинг натижасида умр йўлдоши сабр-бардошли, оқила Ҳакимахон ая Дўстхўжаеванинг ҳам муносиб хизмати бор, десак муболаға бўлмайди. Уч ўғил, тўрт қиз, 17 набира, 12 эваранинг бобоси ва бувиси бўлган Неъматжон ота ва Ҳакимахон ая бахтли хонадон соҳиблари бўлиб, эл-юрт хизматига камарбаста қобил фарзандларни тарбиялаб вояга етказдилар.

Салкам бир аср, яъни 92 йил умр кўриб, ҳаётини эзгуликка бағишлаган қалби дарё инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Неъматжон ота Дўстхўжаев бошлаган хайрли ишлар шогирдлари, дўстлари қалбида яшайди, фарзандлари, набиралари орқали сулола сифатида карвон бўлиб улуғ мақсад сари давом этади. Унинг номи мангуликка дахлдордир.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР БАДИИЙ ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИДА «КАМАЛАК-2006» АМАЛИЙ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ. ФЕСТИВАЛЬ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мамлакатимизда миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъатининг ривожланиши, «Устоз-шогирд» анъаналарининг давом эттирилиши, бу соҳада изланаётган ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда турли фестиваль ҳамда кўрик- танловларнинг аҳамияти каттадир.

Пойтахтимиздаги барча болалар бадиий ижодиёти марказларининг беш юзга яқин ўқувчиси иштирок этган мазкур фестивалда тасвирий санъат, кулолчилик, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, миллий каштачилик, зардўзлик, миниатюра каби ўн бешга яқин йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Улар энди фестивалнинг республика босқичида иштирок этадилар.

ЎзА

Ўз-ўзидан ўтганидай доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Не тараф азм айласам олдимда истиқбол ғам,
Боқмай ўтсам ҳам келур соя каби дунбол, ғам.
Мужрим ОБИД

Сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат.
ҲАДИС

Ҳар ким одати нечук бўлғай,
Беиродат зуҳр этар андин.
ГУЛХАНИЙ

Кўзгумга берардим кечқурун сайқал,
Боқдим унга тиниқ бўлган бир маҳал.
Шунча кўп кўринди ўз айбимки, мен,
Ўзгалар айбини унутдим тугал.
Паҳлавон МАҲМУД

ВАЪДА, ВАЪДАГА ВАФО, ҲАЁ, ИФФАТ ВА КАМТАРЛИК

Қиёмат кунидаги одамларнинг ёмони—беҳаёлиги сабабли назардан четда қолдирилган одамдир.
ҲАДИС

Вафо эрлик нишони, ул бир эй ёр,
Таълим эрда чиқмаз бир вафодор.
ҚУТБ

Ҳакимлар айтади:

—Ваъдага вафо қилмайдиган кишини яхши кўришдан кўра хавфлироқ ва яхшилик қилсанг билмайдиган одамга яхшилик қилишдан кўра зиёнлироқ нарса йўқ!
Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Олам элида вафо топилмас,
Бу гавҳар эрур жаҳонда ноёб.
НОДИРА

Йўқ дахрнинг вафоси, ибрат кўзи билан боқ,
Субҳнинг йўқ бақоси, гар фикри шом қилдинг.
МИРИЙ

Ҳар ерда расм меҳру вафо кўпроқ ўлғуси,
Жамиятда ҳузуру сафо кўпроқ ўлғуси.
ОРАЗИЙ

Бировга ваъда берган бўлсанг, ваъдангга вафо қил! Ваъдага вафо қилиш мард кишилар иши, улуғ кишиларнинг эса чиройли хислатларидан биридир! Байт:

Ваъдага вафодан кўра яхшироқ
Нарса йўқ жаҳонда, мундоқ ўйлаб боқ!
МУҲАММАД ҲУСАЙН

Қилсалар ҳар ваъда онинг эътибори йўқтурур,
Олданиб ул ваъдаға беэътибор ўлмоқ абас.
ОГАҲИЙ

Бу чаманнинг гулларида йўқ вафо, эй хўблар,
Бас, вафо қилмоқ ғанимат, ҳусни давронин кўринг.
Ҳусайн БОЙҚАРО

Жаҳон гулзорида бўйи вафо йўқ,
Замон бўстонида ранги бақо йўқ.
ТОЛИБИЙ

Ҳаё имондандир, ҳаё доимо яхшилик келтиради.
ҲАДИС

Кимки босар ҳаддидин ортиқ аёқ,
Келтирур ўзига кучун ул таёқ.
Бошни талаб йўлида сен хок қил,
Пироҳани танни чу гул чок қил.
Саид ҚОСИМИЙ

Вафоли одамнинг дўстлари ҳам самимий бўлади.
«ОТАЛАР сўзи»

Кишидан ҳаё кетса, тездагина бало етиб келади!
Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Келса қўлдин ҳар ким аҳдин вафо
қилмоқ керак,
Сидқ ила оинаи дилни сафо қилмоқ керак.
Толиб ТОЛИБИЙ

Ҳаё кишиларни ёмон йўлдан қайтарувчи ва яхшилик сари ундовчидир. Кимнинг ҳаёси бўлмаса, унинг уяти бўлмайди. Барча қабиҳ ишларни қилишдан ҳам қайтмайди. Кишида ҳаё бўлса, нафс унинг устидан ҳоким бўлолмайди ва ўз йўлига сололмайди.
Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Ҳар бир ақл эгаси шарму ҳаё йўлида мустаҳкам туришни ўз ҳаёти равнақининг сабаби қилиб олса, замонанинг катта-кичиги унинг ҳузурига ва суҳбатига харидор бўладилар, одамларнинг муҳаббати унга нисбатан кундан-кунга ошаверади, ҳурмат ниҳоли эса дўстлар баҳорининг тарбияси билан мақбуллик боғида нашъу намо топаверади. Эҳтиром боғининг гуллари ҳамиша куз шамолининг зараридан таназзулга юз тутмайди.

Ҳаё соҳиблари иззатда бўлгай доимо хуррам,
Ҳаёсиз бўлса ҳар ким куни қолгай надоматга!
Бархурдор ибн МАҲМУД

ҲИКОЯТ. Кўршапалакдан:

— Оламга нур таратиб, ҳаёт бағишловчи қуёшни кўришдан нечук ор қиласан, бунинг сабаби нима?—деб сўрадилар.

— Ҳаё! —деб жавоб берди у.

Рубоий:

Кўршапалак ҳолидан сўрадилар бир куни,
«Нечун офтобга боқмай, учасан фақат туни?»
Деди: «Ҳақиқий офтоб ёримнинг жамолидир,
Ёр жамоли турганда нечун ёқтирай кунни?»
Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Ваъда бериб бажармаслик нақадар қабиҳ иш, гапирмай туриб иш бажариш эса қандай чиройли!

Қитъа:

Гапирмай бажарган мард киши бўлар,
Гапириб бажарса, ярим марддир у.
Гапирсаю, бироқ бажармаса гар,
У тўлиқ номарддир, эл ичра кулгу!
Абулбаракот ҚОДИРИЙ


Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Оғир атлетика

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ШОҲСУПА ТЎРИДА

ШАҲРИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИДА ОҒИР АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА 4-ОСИЁ КУБОГИ ҲАМДА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА 7-ОСИЁ КУБОГИНИНГ ҲАЯЖОНЛИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БОШЛАНДИ.

Бир ҳафта давом этадиган нуфузли мусобақаларнинг ҳар жиҳатдан бенуқсон ўтишига Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Навоий тоғ-металлургия комбинати ҳамда Зарафшон қурилиш бошқармаси бош-қош бўлаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Турнирда йигирмага яқин мамлакатдан келган 250 нафар полвонлар ғалаба учун кураш олиб бормоқда.



Осиё Кубоги турнирлари икки хил машқ— даст ва силтаб кўтариш бўйича ўтказилаётган бўлиб аёллар ўртасида хитойлик спортчилар, эркаклар баҳсида Эрон оғир атлетикачилари мамлакатимиз спортчилари учун мусобақаларда асосий рақиблардан саналади.

53 килограммли вазн тоифасидаги аёллар баҳсида ҳамюртларимизга тенг келадиганлар топилмади. Жумладан, Маҳлиё Тоғаева иккикураш натижаларига кўра 110 килограмм оғирликни забт этиб, ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олган бўлса, ундан атиги 4 килограмм ортда қолган Манзура Мамасолиева кумуш нишонни қўлга киритди.

58 килограммлилар баҳсида ҳам омад юртдошларимизга кулиб боқди. Елена Асланова 165 килограмм натижа билан олтин медал соҳиби бўлди. Ушбу вазнда яна бир ўзбекистонлик спортчи Гулмира Эргашевага иккинчи ўрин насиб этди.

48 килограммгача аёл штангачилар ўртасида Хитой вакили Лю Мин Жига тенг келадиганлар топилмади.

Эркаклар ўртасида 64 килограммгача вазнда Қирғизистон, Туркманистон, Қувайт, Эрон каби 9 мамлакат вакиллари ўртасида қизғин кураш кечди.

Бунда асосий баҳс ҳамюртимиз Руслан Алпанов ва эронлик Расул Тожихон ўртасида давом этди. Силтаб ва даст кўтариш суммасига кўра 284 килограмм натижа кўрсатган Тожихон ғалаба нашидасини сурди. Алпановга кумуш медал насиб этди.

Турнир 23 апрелга қадар давом этади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Осиё Кубоги баҳсларидан лавҳалар

Алексей Попов олган суратлар.





Унутилмас меросимиз

МИСБАРКАШ

БОЛАЛИК ЧОҒИМДА ҚУЁШ ЧИҚИШИ ВА БОТИШИНИ ҚИЗИҚИШ БИЛАН ТОМОША ҚИЛАРДИМ. ОҚШОМ ПАЙТИДАГИ ТЎЛИН ОЙ РАНГИ, ТУЗИЛИШИ ҲАМ ЗАВҚИМНИ УЙҒОТАРДИ.

Бир куни ўчоқ бошида ойим ҳавасимни келтирган қуёш ва ойга ўхшаш каттакон мисбаркашни ювдилар. У қуёш ёғдусида товланиб, кўзларимни қамаштирди. Ойим уни ювиб бўлгач, тозалаб артиб, токчага тираб қўйдилар. Худди хонамизда зарҳал рангли қуёшми, ё ойми тургандек эди. Йилт-йилт этиб товланганда, табиатнинг ажойиб нақшлари тобора гўзаллашиб, нафосатга тўлиб, аниқ кўринарди.

— Мисбаркаш онамдан қолган, руҳлари севинсин, шод бўлсин деб, сал хира тортса дарров тозалаб тураман, —дердилар, ойим уйимизга келиб, мисбаркашга қизиқиб қолганларга. Эсимни танибманки, шу мисбаркашни кўрганда завққа тўлиб, ҳаяжон билан томоша қиламан.

Унинг хусусияти шундаки, нам тегса кўкимтир, қаровсиз қолса қорамтир рангга кириб, нақшлари кўринмай қоларди. Ойим мисбаркашни бундай аҳволда қолдирмасдилар.

1966 йилда оилали бўлганимдан кейин ойим: «Мисбаркаш ёшлар уйини безаб турсин» деб уни бизга совға қилдилар. Кейинчалик қизчалик бўлдик. Қизимиз ҳам эсини танигач, мисбаркаш қаршисидан кетмас, унга мафтун бўлиб қолганди. Мисбаркаш кундузи ёруғликда, кечаси чироқда товланиб, нафақат қизчамиз Муҳайёга, бизга ҳам ёқарди. Умр йўлдошим Муяссар мисбаркашни тез-тез артиб турарди.

Бир куни волидам Моҳинабону Мирсултон қизи уйимизга келганларида кутилмаганда нигоҳлари токчамиздаги мисбаркашга тушди: «Ие, қарамабсизларку!?» — дедилар-да, қўлларига олиб силаб, қайта-қайта ўпиб, ювишга киришдилар. Дарвоқе, артиб, тозалайвериб-миз-у, ювиш ёддан чиққанди. Муяссар хўл сочиқ билан артганми, нам таъсириданми, мисбаркаш кўкариб (оксидланиб) ранги ўзгариб, бошқачароқ тус олганди. Нақшлари кўринмай ҳам қолибди. Илгаригидек ялтирамасди.

— Эссиз-эссиз мисбаркашим-а — дея уни қатиқ билан тозалаб ювдилар ойим, Муяссар эса бу ҳолатда кўзларига кўринмаслик учун қиладиган ишлари билан банд бўлиб кетганди. Мен эса айбдорлардек, бу ишларини кузатиб, шу мисбаркаш болалигимдан менга завқ уйғотганини қайта-қайта эслаб, ойимдан кўзларимни яшириб, мулзам турардим.

Аслига келтирилган мисбаркаш қайта уйимиз токчасига қўйилмади. Уни ойим ўзлари билан олиб кетдилар.

«Зар қадрини заргар билади» деган гапнинг ростлигига ишондим. Биз ёшлар эски буюм деб мисбаркаш қадрига етмабмиз.

Санъат музейи захирасида мисгарликка оид рўзғор буюмлари турлари кўп. Улардан айримларигина хоналарда намуна учун намойишга қўйилган. Худди бизнинг мисбаркашга ўхшаган XIX-XX аср бошларида яратилган катта-кичик мисбаркашларни учратиб, дилим ёришиб кетди. Уларни ишлаш техникаси, яратилиш тарихи ўзгача ва мураккаб экан. Мисгар ва кандакор усталар меҳнати (музей илмий ходимларидан Турғун Абдуллаев 1970-йили мисгарлик тарихини чуқур ўрганиб номзодлик диссертациясини ёқлаганди)дан мисбаркашларда нафосат тўла акс этган. Ҳар бир вилоят, шаҳар ва қишлоқнинг мисбаркаши бўлиб, ўзига хос яратилган. Табиат, меъморлик манзаралари, ҳатто жониворлар расмларининг тасвирлари мисбаркашларда ўз ифодасини топган.

Худоёрхон саройи тўлалигича тасвирланган Кўқон мисбаркаши хаёлимни тортган бўлса, самарқандлик кандакор мисгар усталар томонидан ишланган ўртача ҳажмда яратилган мисбаркашда баҳайбат шерлар қиёфасини томоша қилиб завққа тўласиз, Тошкент мисбаркашида кўпинча айланма, гардишсимон «ойпалак» расмлари, нақшлари чизилган.

Бир пайтлар, айниқса XIX аср охири, XX аср бошларига келиб, Тошкентда мис буюмлар ниҳоятда кўпайган. Мисбаркашлардан ташқари мис қошиқ, мис лаган, мис гирдим, мис кўза, мис абдаст, мис самовар, чойнакларгача мавжуд эди. Мис оксидланиб, кўкимтир ранглар айниқса мис қошиқ, мисбаркашларда кўп ҳосил бўлади. Бу буюмларда таомлар истеъмол қилганда какра, тахир мазаси борлиги маълум бўлиб, бу мазалардан халқимиз мутлақо қўрқмаган. Бунда турли хил касалликлар юқмас экан. Ҳеч ким вабо касалига дучор бўлмас экан. Мис буюмидан чиқаётган маза зарарли микробларни қириб ташларкан. Саломатлик учун фақат фойда келтираркан.

Ҳа, шундан бўлса керак, мис баркашимизда турли қуюқ таомлар еган пайтларимиз ҳам бўлган. Шу мисбаркашда ёз пайтлари турли хил мевалар солиб меҳмонлар олдига қўйишни, тарвуз ва қовунлар сўйиб, карч-карч қилиб ўртага қўйиб ейишни жуда-жуда хуш кўрардик. Мисбаркаш (шунга салкам икки асрча бўлибди) нафақат хонадон кўрки, дастурхонга файзи барака ҳам келтирарди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, санъатшунос

"Тошкент оқшоми" саломатлик хизмати

ЙЎТАЛ НИМАЛАРДАН ОГОҲЛАНТИРАДИ?

Йўтал азоби ёмон деганларга қўшилганда, ҳақиқатнинг фақат ярминигина билган бўламиз. Зеро, йўтал ҳам касалликнинг бошқа аломатлари каби табиий рефлексдир. Лекин ана шу рефлекс ҳаётимизни заҳарлаб турса нима қилиш керак?

Йўтал ўз ҳолича алоҳида бир касаллик бўлмай, унинг аломати холос. Шунинг учун ҳам шифокорлар йўталнинг ўзини эмас, уни келтириб чиқарган сабабни даволашни маслаҳат беришади. Буни қарангки, шу сабаблар сони юздан ҳам ортиқ экан.

Илмий маслаҳатчи тиббиёт фанлари номзоди О. СОДИРХОНОВ.

Бронх сиртидаги тукларга ўтириб қолган чанг заррачаларидан халос бўлиш бир бошқа гап (оддий йўталнинг сабаби шунда). Узоқ ва тинкани қуритувчи ёки вақт-вақти билан тутиб қоладиган қаттиқ йўтал бутунлай бошқа гап.У бизни ё ўз кучи билан, ёки ўтказиб юборилган шамоллаш оқибати сифатида енгиб қўяди.

Балғамсиз қуруқ йўтал фарингит (юқори нафас йўллари шамоллаши), бронхит, бронхиал астма хасталикларида пайдо бўлади. Агар бронхлар зарарланган бўлса, сил касаллиги ҳам шундай йўталга сабаб бўлиши мумкин.

Шифокор сизда шилимшиқ қават яллиғланишидан ортиқ бирон жиддий касаллик аломатини кўрмаса, яллиғланишга қарши дорилар билан бирга, у йўтални босадиган кодеинли асосга эга дори-дармонларни ҳам буюради.

Балғамли йўтал танангизда ҳосил бўладиган шилимшиқ ва балғам ёмон ажралаётганини билдиради. Уларни кўчирадиган дори воситасини танлаш балғамнинг физик-кимёвий таркибига боғлиқ. Албатта буни сиз ўзингиз аниқлай олмайсиз.

Шундай аломатларда тайинланадиган дорилар ҳам турли мақсадларни кўзлаб тавсия этилади: бир хил дорилар балғам миқдорини кўпайтириб, уни суюлтириб беради, бошқалари нафас йўллари деворларига унинг ёпишиб қолишига йўл қўймайди. Бинобарин, шифокор маслаҳатини олмай туриб, "йўтал дориси"ни сотиб олишга ошиқманг. Пулни ҳавога совуриб, йўтал азобини ҳам тортиб юраверишингиз ҳеч гапмас. Дорини қанча вақт қабул қилиш муддатини ҳам кўз билан чамалаб бўлмайди.

Хўш, олган дорингиз фойда қилиб, соғайиш жараёни бошланганини қандай аниқлаш мумкин? Биринчидан, яллиғланиш аломатлари йўқолади – балғам анча шаффофлашиб, кейин унинг миқдори ҳам камаяди. Агар ўзингизни тузалгандай ҳис этсангизу, лекин иссиқ хонадан совуққа чиққанингизда ёки аксини қилганингизда яна йўтал бошланса – демак, ҳали яллиғланиш бутунлай ўтиб кетмаган. Организм ўзини тўла тиклаб олиши учун ҳеч бўлмаганда икки ҳафта давомида эҳтиёт бўлиб юриш керак бўлади.

Дори-дармонлар ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтиш жоиз. Хориж мутахассислари тадқиқотларининг кўрсатишича, йўтал дорилари жуда кўп бўлишига қарамай, уларнинг фақат 15 номдагисигина чинакам самарали таъсир қила олади. Ҳатто улар ҳам баъзан 3 фоизли физик эритма ёки ош содаси эритмасидан устунлик қила олмайдиган ҳоллар оз эмас.

Пульманологлар шамоллаш ва йўталга қарши халқ табобати қўллайдиган воситаларга қарши эмаслар. Жумладан, суюқликни кўп истеъмол қилиш организм заҳарланишини камайтиради. Витаминлаштирилган мусс ва морсларни ичиш мумкин. Кураклар оралиғи, тўш устига горчичник қўйилганда, йўтални тинчлантиради.

Балғам кўчирадиган ўсимлик дорилари – термопсис, туятовон, кўкракни юмшатадиган чойўтлар йиғмасини қабул қилса бўлади. Фақат бунда аллергияга эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Ўткир респиратор касаллиги билан оғриган беморларнинг кўпчилигига шунинг ўзи кифоя қилади. Сурункали ўпка касалликларига чалинган беморларга бўрсиқ ва айиқ ёғи яхши фойда беради.

Ниҳоят йўтал билан боғлиқ баъзи касалликларни санаб ўтамиз: фарингит, гайморит, ўпка яллиғланиши, юрак хасталиклари, қизилўнгач даббаси, сил, ўпка раки, қалқонсимон без касалликлари ва яна шамоллашга мутлақо алоқаси бўлмаган юздан ортиқ турли хасталиклар...

Саид ВАЛИ тайёрлади.

Қаттиқ совуқдан дастлаб қайси аъзолар зарар кўради ва бу нималарга олиб бориши мумкин?

1.Биринчи бўлиб оёқлар совқотади. Оёқ кафтлари рефлектив равишда бурун-ҳалқум билан боғланган бўлади. Оёқлар қаттиқ совқотганда ринит (тумов) ва шамоллаш касалликларига чалиниш мумкин.

2.Совуққа сезгирликда қўллар иккинчи ўринда туради. Минус даражали совуқларда қўлқоп кийганингиз маъқул. Уни уйда унутиб қолдирган бўлсангиз, қўлларингизни чўнтакларингизга солиб юринг. Бармоқларнинг кафтга бирлашган қисми ҳиқилдоққа рефлектив боғлиқ бўлади. Қўлларингиз совқотса – овозингиз бўгилади, (қўлларда) аллергик дерматит – терининг қизариши ва қуруқлиги кузатилади.

3.Қулоқлар ҳам тез совқотадиган аъзоларга киради. –5 даража совуқда телпак кийиш тавсия этилади.

4.Юз териси баданга нисбатан анча юпқа ва нозик бўлиб,совуқ таъсирига тезроқ берилади. Агар ҳаво ҳарорати 0 даражадан пастга тушиб кетса, кўчага чиқишдан камида 40 дақиқа олдин ёғлиқ ҳимоя кремини юзингизга суриб олинг.

5.Бошдан совуқ ўтишида шамоллаш, отит, менингит, менингоэнцефалит ва юз ҳамда уч шохли нерв шамоллаши касалликлари хавф солади.

6.Тананинг юқори қисмидан совуқ ўтиши бронх-ўпка касалликлари ва шамоллашга чалинишга сабаб бўлади. Қаттиқ совқотганда пневмония касаллиги хавфи ҳам туғилади.

7. Бел атрофи ва қорин қисми совқотишида буйраклар ва пешоб йўллари ҳамда репродуктив аъзолар яллиғланиши хасталиклари ва шамоллаш касалликлари юз беради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» акциядорлик компаниясининг TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG`I филиали
Ҳурматли абонентлар!

Тошкент шаҳри телефон тармоғини янгилаш ва ривожлантириш режасига кўра 40,41,43-АТСлар телефон рақамларини электрон рақамларга ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Янги АТСлар қуйидаги рақамлар билан бошланади ва ҳттита рақамли тартибда бўлади:

40-АТС—160-ЭАТС — маълумотлар учун телефон — 160-17-17.

41-АТС—142-ЭАТС — маълумотлар учун телефон — 142-14-14.

43-АТС—143-ЭАТС маълумотлар учун телефон—143-00-00.

АТСларнинг янги электрон тизимга ўтказиш чоғида алоқада узилишлар бўлиши мумкин. Филиал маъмурияти телефонлар рақамларини ўзгартирилиши муносабати билан боғлиқ айрим ноқулайликлар учун узр сўрайди.

Давлат божхона қўмитаси офис, ётоқхона учун махсус тайёрланадиган мебеллар ҳамда жалюзи ва пардалар ҳарид қилиш учун ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60.

Коммутатор: 120-76-00, ички: 26-11, 26-08.

Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.

Мунажжим башорати

АЛДОВЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

21 АПРЕЛЬ, ЖУМА

МУНАЖЖИМЛАРИМИЗ ТАВСИФИГА КЎРА, БУГУН БИЛИБ-БИЛМАЙ ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ҲАР ХИЛ КЎРИНИШДАГИ АЛДОВЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИШ КЕРАК ЭКАН.

Кўпинча бизнинг ўзимиз ҳақиқий аҳволга, атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга кўз юмиб қараймиз, кейин эса, хафа бўлиб, жаҳлимиз чиқиб юради. Бундай ҳолатдан чиқиш учун муносабатларни аниқлаб олиш, сохтакорликлардан, танбаллик ва қатъиятсизликдан халос бўлишимиз керак. Руҳий мувозанатимизни йўқотмаслик ҳамда ишдан ажралиб қолмаслик мақсадида амалиётда, ҳамкорлик масалаларида муросага борган маъқул.

Бу кеча кўрилган тушлар ёлғон ва алдовлардан иборат бўлади. Тушда оқ рангни кўриш ғойибона ҳомийингиз белгиси ҳисобланади.

Кийимлардан ёрқин бўлмаган, кулранг, яшилга яқин ранглилари бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Ёрқин ранглардан, айниқса қизил, сиёҳранг ва қора ранглардан нарироқ бўлишга ҳаракат қилинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6